

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Psi.72.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

САФАРОВ ДИЛМУРОД ХАЛИМОВИЧ

СОТУВЧИ ВА ХАРИДОР МУНОСАБАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
МЕХАНИЗМЛАРИ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Psychological Sciences**

Сафаров Дилмурод Халимович

Сотувчи ва харидор муносабатларини такомиллаштиришнинг
ижтимоий-психологик механизмлари 3

Сафаров Дилмурод Халимович

Социально-психологические механизмы совершенствования отношений
продавца и покупателя 25

Safarov Dilmurod Khalimovich

Socio-psychological Mechanisms for Improving the Relationship Between the
Seller and the Buyer 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 52

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Psi.72.06 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

САФАРОВ ДИЛМУРОД ХАЛИМОВИЧ

СОТУВЧИ ВА ХАРИДОР МУНОСАБАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК
МЕХАНИЗМЛАРИ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/P135 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.psi-ik.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич
психология фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Ҳусейнова Абира Амоновна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шойимова Шохиста Санакуловна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD03/30.12.2019 Psi.72.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.:(+998 65) 221-29-14; факс: (+998 65) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.:(+998 65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2021 йил “_____” _____ куни тарқатилди. (2021 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.Р. Баратов

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, психология фанлари доктори, профессор

Д.А. Собирова

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

У.Д. Қодиров

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психология фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиёти ривожда иқтисодий, иқтисодий-психологик ва ижтимоий-психологик муносабатлар уйғунлашган савдо-сотик тизими алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда савдо-сотик соҳасини тараққий эттиришда психологик таъсирнинг ижтимоий-психологик йўналишлари муҳим омил сифатида қаралмоқда. Соҳани, айниқса ностандарт шароитда соҳа фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим таянч нуқтаси сифатида психологик омиллар намоён бўлмоқда. Шу жиҳатдан ҳам сотувчи ва харидор муносабатларини такомиллаштиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари бугунги кунда фаолият самарадорлигини таъминлашнинг долзарб муаммоси сифатида қаралмоқда. Бугунги глобаллашув даврида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида савдо-сотик соҳасига қўйиладиган талабларга мувофиқ ушбу соҳада миждозга йўналтирилган хизмат кўрсатиш салоҳиятини психологик жиҳатдан такомиллаштириш масалалари бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон илмий тадқиқот муассасалари ва марказларида диададаги инсон субъектларининг ўзаро муносабатларида соф “субъект-субъект” таъсирини ўрганиш, сотувчи ва харидор муносабатлари контекстида “Иккиламчи касбий фаолият китоб сотувчилари” тизимини такомиллаштириш, “ўзаро ҳаракатлар диадаси” кўрсаткичларини тадқиқ қилиш ҳамда ривожлантириш моделини яратиш, “кўчмас мулк бозорида сотувчи ва харидор муносабатлари”ни шакллантириш ва ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, уларнинг психологик мезонларини тизимлаштириш, “мен-истеъмомлчиман”, “ишонч-ишончсизлик” каби махсус моделлаштирилган топшириқлардан иборат психодиагностик методикаларни янада такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Сотувчи ва харидор муносабатларининг психологик тайёргарлик даражасини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-психологик механизмларини аниқлаш ҳамда фаолият самарадорлигига таъсир этувчи психологик омилларни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда инсон манфаатларига қаратилган ислохотлар доирасида савдо соҳасида миждозларга хизмат кўрсатиш сифатини янги поғонага кўтариш, замонавий талаблар асосида буюртмачилар (миждозлар) билан ўзаро муносабат механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясида савдо ҳажмини ошириш ва миждозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида буюртмачилар (миждозлар) билан ўзаро муносабат механизмларини такомиллаштириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди¹. Бу борада миждозлар билан муносабатни бошқариш (contract

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: URL: <https://lex.uz/pdfs/5030957> (мурожаат санаси: 24.11.2020 йил)

management system) ахборот тизимини жорий қилиш, бозор муносабатлари шароитида “сотувчи психологияси” ва “истеъмолчи психологияси”нинг ўзига хос хусусиятлари, жиҳатлари, механизмларини кўрсатувчи ва муносабатларга киришишга тўсиқ бўлувчи омилларнинг ижтимоий-психологик ечимларини асослаш каби йўналишларда илмий изланишларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПФ–5718-сон “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ–4862-сон “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 7 июндаги ПҚ–3777-сон “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз олимларидан муносабат муаммоси Л.И. Каримова, Ш.А. Эшметов, У.С. Жумаев, М.Х. Файзиева, М.С. Салаева, Н.Х. Лутфуллаева, С.Х. Таджиева, Г.А. Қурбонова, Н.Р. Хикматуллаева, Ш.Х. Абдуллаева, М.Л. Саипова, М.Х. Карамян, Н.Ш. Умарова²лар “касб танлашга муносабат тизими”,

² Каримова Л.И. Социально-психологические и этнопсихологические особенности социальных представлений и установок личности по отношению к рекламе: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.05. – Т.: НУУз, 2003. – 152 с.; Эшметов Ш.А. Устоз-шогирд муносабатларининг ижтимоий-психологик феноменлари: Психология фан. номзоди ... дис: 19.00.05. – Т.: ЎзМУ, 2004. – 147 б.; Жумаев У.С. Ўсмирларда касб танлашга муносабат тизими шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психология фан. номзоди ... дис: 19.00.05. – Т.: ТДПУ, 2004. – 176 б.; Файзиева М.Х. Оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (Эр-хотин мисолида): д Психология фан. номзоди ... дис: 19.00.05. – Т.: ҚарДУ, 2005. – 185 б.; Салаева М.С. Ўзбек оилаларида ота-она ва фарзандлар ўзаро муносабатларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психология фан. номзоди ... дис: 19.00.05. – Т.: ТДПУ, 2005. – 198 б.; Лутфуллаева Н.Х. Турмуш қурган талабаларнинг оилавий муносабатларга тайёрлигининг ижтимоий психологик хусусиятлари: Психология фан. номзоди ... дис: 19.00.05. – Т.: ТДИУ, 2006. – 167 б.; Таджиева С.Х. Ота-она муносабати бола шахси ривожланишини белгиловчи омил сифатида: Психология фан. номзоди ... дис: 19.00.07. – Т.: ТДПУ, 2009. – 184 б.; Қурбонова Г.А. Оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсири (тасвирий санъат йўналишида таҳсил олаётган ўқувчилар мисолида): Психология фан. номзоди ... дис: 19.00.05. – Т.: “Оила” РИАМ, 2008. – 187 б.; Хикматуллаева Р.Н. Гендерные особенности в представлениях о семейно-брачных отношениях как фактор, определяющий жизнедеятельность семьи: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.05. – Т.: ТГПУ, 2009. – 152 с.; Абдуллаева Ш.Х. Педагог профессионал компетентлигини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари: Психология фан. доктори (DSc) ... дис. автореферати: 19.00.05. – Т.: ЎзМУ, 2019. – 61 б.; Саипова М.Л. Педагог шахсида макиавеллизмга мойилликни диагностика ва коррекция қилишнинг илмий-методик имкониятларини такомиллаштириш: Психология фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) .. дис. автореферати: 19.00.05. – Т.: ЎзМУ, 2019. – 46 б.; Карамян М.Х. Шахснинг саломатликка қадрият сифатидаги муносабатининг ижтимоий-психологик детерминацияси: Психология фан. доктори (DSc) ... дис. автореферати: 19.00.05. – Т.: ЎзМУ, 2019. – 80 б.; Умарова Н.Ш. Шахс иқтисодий ижтимоийлашувига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар: Психология фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) .. дис: 19.00.05. – Т.: ТДИУ, 2019. – 146 б.

“оиладаги шахслараро муносабатлар”, “оилавий муносабатларга тайёргарлик”, “ота-она ва фарзандлар ўзаро муносабатлари”, “ота-она муносабати”, “оила-никоҳ муносабати”, “устоз-шогирд муносабатлари”, “рекламага муносабати”, “давлатлараро муносабатлар”, “педагогик касбга муносабат”, “педагог муносабати услуби”, “қадриятга муносабат”, “иқтисодий муносабатлар тизими” каби ҳолатларда ўз тадқиқотларида очиб берганлар.

МДХ мамлакатлари олимлари А.В. Султанова, С.П. Табхарова, Ю.Б. Бакай, Л.С. Махакова, В.В. Слостенина, А.Е. Смирнова, И.В. Соснова, О.И. Титова, Е.Ю. Хомутская, Д.А. Балухто, Л.Х. Гиматдинова, А.В. Гумницкая, О.Н. Колебцева, Н.Е. Королёва, А.В. Короченцева, И.В. Кузнецова, В.Ф. Мухамеджанова, В.В. Овчинникова, Т.А. Пейсахов, И.В. Харинова, Е.В. Черкалина, Г.А. Агуреева, В.А. Антоненко, Ф.К. Зиннуров, Ю.М. Кондратьев, М.С. Ширяк, Л.Ф. Лисенков ва бошқалар “никоҳ муносабатлари”, “ишонч ва ишончсизлик муносабатлари”, “туруҳий муносабатлар”, “бошқарув муносабатлари”, “тиббий хизматга, яъни эстетик жарроҳликка бўлган муносабат”, “миллатлараро муносабатлар”, “ўқишга бўлган муносабат”, “ҳамкорлик ва рақобатбардошлик муносабатлари”, “турли ёш даврлари ва жинслараро муносабатлар”, “касбни алмаштиришга муносабат”, “ота-она ва фарзандлар муносабатлари”, “саёҳатчиларга муносабат”, “сиёсатчи шахси ва фаолиятига бўлган муносабат”, “турли жинсли ҳарбий хизматчилар муносабатлари”, “шахслараро муносабатлар вазияти” ва ҳоказолар тадқиқ қилинганлигини кўришимиз мумкин. Бевосита “сотувчи-харидор” муносабатлари тизимидаги изланишлар сифатида (Е.В. Дворцова, Е.А. Захарова, И.Ф. Прохорова, Ю.А. Трушина, Т.Л. Сморкалова, С. Плечков, Р.К. Несмеянова)³ “иккиламчи касбий фаолиятдаги китоб сотувчилари”, “ўзаро ҳаракатлар диадаси”, “кўчмас мулк бозорида сотувчи ва харидор муносабатлари”, “Мен-истеъмолчиман”, “ишонч-ишончсизлик” кабиларни алоҳида эътироф этиш мумкин.

Хорижлик олимлардан шахслараро муносабатларга бағишланган илмий тадқиқотларини ижтимоий ёки маълум бир касбий йўналиши, қатъий нормалар ва шахс фаолияти, хулқ-атвори кўринишлари доирасида олиб боришган. Илмий адабиётларда шахслараро муносабатларни ўрганишга қаратилган бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, А. Смит, Т.Б. Вебел,

³ Дворцова Е.В. Психологические факторы эффективности труда продавцов книжных магазинов в условиях вторичной профессиональной адаптации: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.03. – СПб., 2004. – 216 с.; Захарова Е.А. Психологические условия эффективного взаимодействия в диаде «продавец-покупатель»: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.13. – Тамбов, 2004. – 200 с.; Прохорова И.Ф. Распознавание доверия-недоверия во взаимодействии продавца и покупателя: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.05. – СПб., 2007. – 200 с.; Трушина Ю.А. Методы маркетингового взаимодействия продавца и покупателя на рынке недвижимости: Дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – СПб.: СПбГИЭУ, 2007. – 164 с.; Сморкалова Т.Л. Проявление Я-концепции в потребительских предпочтениях покупателей: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.05. – Тюмень: ТГУ, 2013. – 158 с.; Плечков С. Продавец на миллион. Как продавать много и дорого в розничном магазине. – СПб.: Питер, 2018. – 416 с.; Несмеянова Р.К. Взаимосвязь образа корпоративной культуры и организационной идентификации сотрудников коммерческих предприятий: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.05. – М., 2018. – 190 с.

Ф.Х. Найт, Н.Й. Ли, Ф. Котлер, П.Ф. Друкер, Ж.Ж. Лабмен каби хорижлик олимлар маркетинг психологиясига доир муайян изланишлар олиб боришган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Навоий давлат педагогика институти ва Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ЁА–1–9 рақамли “Аҳолининг турли қатламларига психологик хизмат кўрсатиш амалиёти” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2017 й.).

Тадқиқотнинг мақсади “сотувчи-харидор” диадаси муносабатларининг ижтимоий-психологик механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сотувчи ва харидор муносабатларининг ижтимоий-психологик хусусиятларини эмпирик ўрганиш, бунда, харидорларнинг ёши ўзгариши билан товарларга муносабати ўзгаришини “авлодлар назарияси” ёки “миллениал авлодлар” тасниф-мезони орқали аниқлаш;

“авлодлар тоифаси”нинг истеъмол буюмларига бўлган муносабат тизимини аниқлаш ҳамда бу тизим механизмларини “сотувчи психологияси” ва “истеъмолчи психологияси” хусусиятларига нисбатан қиёслаш;

“сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатлари механизми самарадорлигини таъминловчи моделни такомиллаштириш, бунда бозорни сегментацияловчи психологик омилларни “географик”, “психографик”, “демографик” ва “хулқ-атвор” каби омиллар ёрдамида ўрганиш ҳамда тадқиқот натижаларини математик-статистиканинг ишончли методлари воситасида қайта ишлаш, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва хулосалаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сотувчи ва харидор муносабатларини такомиллаштириш жараёни олинган бўлиб, бозор иштирокчиларидан иборат жами 534 нафар “Шовқинсиз авлод” (1923–1943 йй.), “Бэби-Бумерлар авлоди” (1943–1963 йй.), “Х авлод” (1963–1983 йй.), “Ҳ авлод” (1983–2003 йй.), “Z авлод” (2003 й. +) вакиллари саналган сотувчи ва харидор иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини бозор сегментациясининг тамойиллари, сотувчи ва харидор муносабатларини ташкил этишга муҳим аҳамият касб этадиган психологик қонуниятлар ва механизмлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. “Шахслараро муносабатларда ролли позицияни аниқлаш сўровномаси” (Э.Берн), “Шахснинг характер хусусиятларини ўрганиш тест-сўровномаси” (К.Леонгард), “Инсонларга ишонч экспресс-диагностика методикаси” (М.Розенберг), “Мулоқотда ўзини-ўзи назорат қилишни баҳолаш методикаси” (М.Снайдер), “Шахсдаги асосий эҳтиёжлардан қониққанлик даражасини ўрганиш методикаси” (А.Маслоу) ҳамда фоизли таҳлил, фактор таҳлили, Стьюдентнинг t-мезони, К. Пирсоннинг r_p -корреляция коэффициентини ҳисоблаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инсоннинг тўрт ўлчовли динамик семантик матрицаси тузилмаси контекстидаги “сотувчи-харидор” диадаси муносабатлари механизми фазовий макон ва вақт оралиғидаги тафовутланишларга кўра иқтисодий муносабатлар эгасининг “индивид → субъект → индивидуаллик → шахс” кўринишдаги тетра тузилмаси асосида такомиллаштирилган;

авлодлар тоифасининг истеъмол буюмларига бўлган мотивацион муносабат тизими аниқланиб, сотувчи ва истеъмолчи психологиясига бевосита таъсир этувчи ижтимоий-психологик омилларнинг иерархик тизим асосида динамикаси очиб берилган;

сотувчи-харидор диадаси контекстида сотувчиларнинг бозор жараёнига нисбатан шахсий муносабатлари прагматик мақсад йўлидаги сезгирликларини яққол намоён қилиб, бунда географик-демографик омиллар сотувчи-харидор диадасидаги микросоциум таъсирчан муҳит сифатида гавдаланиб, “Бэби-Бумерлар авлоди” ва “Х авлод” вакилларининг бозор муносабатлари майдонида ўзига хос ўрин эгаллаганлиги исботланган;

сотувчи-харидор диадаси ўзаро муносабатлари жараёнида харидорнинг гап-сўзи, хиссиёт ёки хулқ-атвор реакцияларида намоён бўладиган сифатлари орқали юқори даражали эҳтимоллик билан кутилаётган самарадорлик аниқланиб, бундай самарадор ижтимоий-иқтисодий муносабатлар “Z авлод” вакиллари учун одатий саналиб, психографик ва хулқ-атвор омиллари таъсирининг ижобийлиги харидордаги асосий эҳтиёжларни қондиришга нисбатан установакаларини кучайтирувчи омил эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатлари механизми самарадорлигини таъминловчи назарий-амалий модели орқали уларнинг иқтисодий ижтимоийлашув жараёнини муваффақиятли ошиши мумкинлиги ижтимоий психология фани контекстида яна бир янги йўналиш сифатида тавсия қилинган;

“авлодлар тоифаси”нинг истеъмол буюмларига бўлган муносабати тизимининг аниқланиши, бозор иштирокчиларининг иқтисодий муносабатлар доирасидаги ихтиёрий ички интилиши сифатида намоён бўлишида, бу тизим механизмлари “сотувчи психологияси” ва “истеъмолчи психологияси” хусусиятларини англаганлиги бўйича амалиётчи психолог ва хизмат психологларига методик кўрсатмалар сифатида тавсия қилинган;

чиқарилган хулосалар, амалий тавсия ва кўрсатмалар профессионал ва олий таълим муассасаларида, савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаларида ижтимоий-психологик билимларни такомиллаштириш ва бу борада маркетинг-психологлар, психологик хизмат ходимлари учун “сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатларини ривожлантиришга қаратилган психологик маслаҳат дастурлари ишлаб чиқиш учун тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган методологик базанинг мукамаллиги, унда илмий жиҳатдан асосланган, халқаро миқёсда тан олинган методик воситалар, математик-статистиканинг аниқ методлари

қўллангани, синалувчилар танланма тўпламининг ҳажми ва унинг репрезентативлиги, эмпирик изланишлар назарий чуқур асослаб берилгани, бунда ишончли манбаларга асосланганлиги, асосий ҳолатлар кенг илмий жамоатчилик ўртасида муҳокама қилингани билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатлари жараёнидаги харидорнинг гап-сўзи, хиссиёт ёки хулқ-атвор реакцияларида намоён бўладиган сифатлари орқали юқори даражали эҳтимоллик билан кутилаётган самарадорлик иқтисодий хулқни шакллантириш ҳамда иқтисодий саводхонликни ошириш бўйича методик кўрсатмалар сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсия ва кўрсатмалар профессионал ва олий таълим муассасаларида ижтимоий-психологик билимларни такомиллаштириш ва бу борада маркетинг-психологлар, психологик хизмат ходимлари учун “сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатларини ривожлантиришга қаратилган психологик маслаҳат дастурлари ишлаб чиқиш учун тавсия қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Сотувчи-харидор” диадаси муносабатларининг ижтимоий-психологик механизмларини ўрганиш, уларни такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш юзасидан ўтказилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

“сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатлари механизмини тизимлаштириш бўйича таклиф Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 19 августдаги 9-сонли буйруғига асосан “Умумий психология” модулига киритилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 сентябр 89-03-3255-сон ва Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 19 августдаги П-М-9а-сон маълумотномалари). Натижада профессионал ва олий таълим муассасалари ўқувчи-талабаларига амалий психологик хизмат сифатини оширишга эришилган;

“авлодлар тоифаси”нинг истеъмол буюмларига бўлган муносабат тизими аниқланиб, бозор иштирокчиларининг иқтисодий муносабатлар доирасидаги ихтиёрий ички интилиши сифатида намоён бўлса-да, бу тизим механизмлари “сотувчи психологияси” ва “истеъмолчи психологияси” хусусиятларини англаганлик даражаси орқали изоҳланиб, ушбу жараёнга таъсир кўрсатувчи энг устувор “миллениал авлод” бу “Х авлод” ва “Ҳ авлод” вакиллари эканлиги юзасидан асослантирилган таклиф

Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 19 августдаги 9-сонли буйруғига асосан “Касб психологияси” модулига киритилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 16 октябрдаги 11/05-15-8702-сон ва Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 19 августдаги П-М-9а-сон маълумотномалари). Шу орқали савдо мажмуаларида психологик хизмат кўрсатадиган бўлажак амалиётчи психологларнинг иқтисодиёт субъекти сифатида фаолият олиб борувчи

сотувчилар иқтисодий онгини ошириш билан боғлиқ кўникмаларни шакллантириш сифатини оширишга эришилган;

“сотувчи-харидор” диадаси контекстида сотувчиларнинг бозор жараёнига нисбатан шахсий муносабатлари прагматик мақсад йўлидаги сезгирликларини яққол намоён қиладилар. Бунда, “географик-демографик” омиллар “сотувчи-харидор” диадасидаги микросоциум таъсирчан муҳит сифатида гавдаланиб, “Бэби-Бумерлар авлоди” ва “X авлод” вакилларининг бозор муносабатлари майдонида ўзига хос ўрин эгаллаганлиги исботланган эканлиги борасидаги тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 19 августдаги 9-сонли буйруғига асосан “Бошқарув ва маркетинг” модулига киритилган бўлиб, “Жамиятда долзарб ижтимоий муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича илмий психологик тадқиқотлар ўтказиш ҳамда уларда қўлланиладиган самарали методларни ишлаб чиқилишини таъминлаш” методикасига татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 сентябрдаги 89-03-3255-сон ва Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 19 августдаги П-М -9а-сонли маълумотномалари). Натижада марказда бўлғуси амалиётчи психологларнинг бозор иқтисодиёти муносабатлари жараёнида “сотувчи” ва “харидор”лар мослашувини оптималлаштиришга хизмат этадиган позитив ижтимоий-иқтисодий қарашлари самарадорлиги янада оширилган;

“сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатлари жараёнида харидорнинг гап-сўзи, ҳиссиёт ёки хулқ-атвор реакцияларида намоён бўладиган сифатлари орқали юқори даражали эҳтимоллик билан кутилаётган самарадор ижтимоий-иқтисодий муносабатлар “Z авлод” вакиллари учун одатий саналиб, “психографик” ва “хулқ-атвор” омиллари таъсирининг ижобийлиги харидордаги асосий эҳтиёжларни қондиришга нисбатан установакаларни кучайтирувчи эканлиги борасидаги таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг амалий фаолиятида жорий қилинган ва “Давлат буюртмаси ҳамда ижтимоий талаблар асосида жамият ҳаётидаги шахс психологияси билан боғлиқ бўлган махсус тизимли муаммолар бўйича амалий психологик тадқиқотлар ўтказиб, уларнинг ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқиш” методикасига татбиқ этилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 16 октябрдаги 11/05-15-8702-сон маълумотномаси). Натижа сифатида бўлажак амалиётчи психологларнинг бозор муносабатлари субъектларининг иқтисодий жиҳатдан мавқеини баҳолаш компетенциялари ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертацион тадқиқотнинг натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 6 та илмий мақола, шундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп

этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, хорижий журналларда 2 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг амалиётда жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Шахслараро муносабатлар контекстида “сотувчи-харидор” диадаси – ижтимоий-психологик муаммо сифатида”** деб номланган биринчи боби мазмуни адабиётлар таҳлиliga қаратилган бўлиб, унда шахслараро муносабатларни ўрганишга қаратилган илмий ёндашувларнинг ижтимоий-психологик таҳлили келтирилган. Шунингдек, бобнинг мазмунида бозордаги “сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатларининг иқтисодий-психологик тавсифи доирасида “ишлаб чиқарувчи – сотувчи – харидор / миждоз – истеъмолчи” тетрасидаги тушунчаларнинг баёни ҳам ўрин олган.

Назарий жиҳатдан бобда “сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатларини тизимлаштирувчи маркетинг тадқиқотларнинг методологик асоси ёритилган. Бунда барча назарий хулосалар асосида социономик гуруҳ касблари деб аталадиган, яъни “одам – одам” диадаси фаолиятининг самарасини белгиловчи турли хил хизматлар (сервис) “сотувчи – харидор”, “ишлаб чиқарувчи – истеъмолчи” ва бошқаларнинг позитив ўзгаришларда намоён бўлиши кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Сотувчи-харидор” диадаси муносабатларини такомиллаштиришнинг ижтимоий-психологик механизмларини эмпирик ўрганиш**” деб номланган иккинчи бобида, аввало, “сотувчи-харидор” диадаси муносабатларини ўрганишнинг эмпирик тадқиқот дастури баён этилган. Шунингдек, бобнинг мазмунидан савдо-сотикдаги психологик таъсир ва унинг хусусиятларининг ижтимоий-психологик нуқтаи назардан назарий-амалий таҳлили ҳам ўрин олган. Назарий жиҳатдан олганда, “сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатлари механизми самарадорлигини таъминловчи моделни яратиш, бунда бозорни сегментацияловчи психологик омилларни “географик”, “демографик”, “психографик” ва “хулқ-атвор” каби омиллар ёрдамида ўрганишда катта гуруҳлар билан боғлиқ қонуниятлар, назарияларнинг роли бекиёслиги асосланган.

Интернет нашрлари таҳлилидан кўринадик, “millennials (ингл.) / миллениалы (рус) / минг йиллик авлод (ўзбек)” (ёки “тармоқ авлоди”) тушунчасини биринчи марта ёзувчилар Уилям Страусс (William Strauss) ва Нил Хоу (Neil Howe)лар 1987 йилда ўзларининг “авлодлар назарияси” контекстида ишлатишган⁴.

“Авлодлар назарияси” бизга турли ёшдаги истеъмолчи (харидор)лар билан муносабатга киришишда ёки хизмат кўрсатишда уларнинг асосий қадриятларини таҳлил қилиш имкониятини беради. Ҳозирда олтига тирик авлод мавжуд бўлиб, улар бир-биридан қадриятлари билан фарқланадиган олтига тоифадаги катта гуруҳларда мужассамлашган. Сабаби қадриятлар ва меъёрлар авлодлар назариясининг асоси саналади. Олимларнинг фикрига кўра, авлодий қадриятлар ўсмирлик даврида шаклланади. Айнан шу ёшда тенгдошлар билан бирлашиш (идентификация) ёки ўзига хосликни излаш (бошқалардан фарқланиш) доминанта ҳисобланиб, ижтимоийлашув жараёни асосида шахсни янада фаол шакллантириш босқичи юзага келади.

А.А. Клейберг “миллениал авлодлар”нинг феноменологияси ва генезиси ҳақидаги тадқиқотларида истеъмолчилар авлодининг таснифини келтириб ўтади. Олим 1900 йилдан то шу кунгача бўлган даврларда туғилган истеъмолчиларни даврий ва муқобил номланишларининг ўзига хос таснифини яратган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Истеъмолчилар авлоди таснифи

Авлодлар номланиши	Муқобил номланишлар	Туғилган йиллари
G.I.	“Энг катта авлод”	1900–1922 йй.
	“Ғолиблар авлоди”	
	“Қахрамонлар авлоди”	
Шовқинсиз авлод (Silent generation)	“Бузилган авлод”	1923–1942 йй.
	“Йўқотилган авлод”	
Бэби-Бумерлар (Baby Boomers)	“Бумерлар”	1943–1962 йй.
	“Демографик портлаш авлоди”	
X	“Номаълум авлод”	1963–1982 йй.
	“13-авлод”	
	“Бўйнида калити бор авлод” (Latch-key kids)	
Y (generation why?)	“Тармоқ авлод”	1983–2002 йй.
	“Мингйиллик авлоди”	
	“Кейинги авлод”	
	“Бумерлар садоси”	
Z	“Рақамли авлод”	2003 й. +
	“XD-авлод” (Digital children of generation X)	

Манба: Клейберг Ю.А. Генез и феноменология поколения миллениалов // Psixologiya ilmiy jurnal. – Бухоро, 2018. – № 1. – Б. 18–24.

М.Т. Ньюкомбнинг фикрича, кўплаб тадқиқотчилар томонидан гуруҳ, ташкилот ва умуман жамиятда индивиднинг самарали хулқ-атворини

⁴ <https://ru.wikipedia.org/wiki> (музожаат санаси: 24.03.2020)

шакллантириш мумкин бўлган муайян қонуниятларни кузатиш ва аниқлаш ишлари бошлаб юборилган.

Натижада, ўтган асрнинг 80-йилларини ўрталарига келиб, илмий адабиётда “ижтимоий-психологик механизм” деб аталувчи янги атаманинг пайдо бўлиши учун объектив шарт-шароитлар пайдо бўлган. Бу эса унинг илмий тезаурусга киритилиши учун сабаб бўлиб, гуруҳий муносабатларда кузатиладиган бир қатор ҳодиса ва жараёнларни янада аниқ, лўнда тушунтириш имкониятини берди.

2-жадвал.

**Ижтимоий-психологик механизмнинг
харакат модели тизимлашуви**


Психологик механизмлар – инсон психикасининг хусусиятлари сифатида	Ижтимоий-психологик механизмлар – махсус ташкил этилган шарт-шароитлар (стимул) сифатида	Реакция – махсус ташкил қилинган шароитларга таъсир қилиш натижаси сифатида
1	2	3
Конформлилик	Гуруҳий босимлар	Конформизм, нонконформизм, мустақил хулқ-атвор
Хулқ-атвордаги ўзгаришлар	Роллар боғлиқлиги	Кутилаётган ролли хулқ-атвор, бир-бирини тўлдирувчи хулқ-атвор, ўзаро хатти-ҳаракатнинг субъект-субъект модели, рефлексия, хулқ-атвордаги кетма-кетлик
Идентификация	Теварак-атрофга бўлган юқори даражадаги ҳиссий хулқ-атвор	Зарарланиш
Интерриоризация	Обрўли шахс, референт гуруҳ	Тақлид
Тааллуқлилик эҳтиёжи	Референт гуруҳ	Ижтимоий идентификация
Оммавий таъсирлар механизми	Бошқаларнинг мавжудлиги	Ижтимоий фасилитация, ижтимоий ингибиция
Дунёни билишнинг мувофиқлиги	Баҳам кўриш (улашиш)	1. Когнитив диссонанс. 2. Рухсат берилган когнитив диссонанс. 3. Алоҳида-алоҳида бирикиш.
1. Тааллуқлилик эҳтиёжи; 2. Дунёни билишнинг мувофиқлиги	Марказни кенгайтирувчи технологиялар: 1. Баҳам кўриш (улашиш). 2. Етакчилар фикрларига алоҳида-алоҳида кўшилиш. 3. Каскад.	Жамоа тузиш
<i>Манба: https://cyberleninka.ru/article/n/podhody-k-opredeleniyu-sotsialno-psihologicheskikh-mehanizmov/viewer</i>		

В.Н. Воронин, М.В. Ионцева, Г.В. Довжик, О.О. Свиридовалар томонидан ижтимоий-психологик механизмларни аниқлашга қаратилган

илмий ёндашувларнинг тизимлашган таҳлили олиб борилган. Муаллифлар жамоаси ижтимоий-психологик механизмнинг ҳаракат модели учта катта таркибий қисмга ажратган ҳолда тизимлаштиришган (2-жадвалга қаранг). Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, “сотувчи-харидор” диадаси муносабатлари контекстида таъсир ўтказиш, шахснинг ёки шахслар гуруҳининг самарали хулқ-атворини шакллантириш жараёнида ижтимоий-психологик механизмларнинг роли алоҳида аҳамият касб этади, деб хулосаланган.

Диссертациянинг “Ижтимоий-психологик механизмлар контекстида “сотувчи ва харидор” ўзаро муносабатларини ўрганиш” деб номланган учинчи бобида “сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатларига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар эмпирик жиҳатдан ўрганилган, сотувчининг харидор билан самарали муносабат ўрнатишига ҳисса қўшадиган компетенциялари аниқланган ҳамда муаллифлик ёндашуви саналган “сотувчи-харидор” муносабатлари самарадорлигининг назарий ва амалий модели асосланган.

Бозор муносабатларига нисбатан иқтисодий билимдонликни, мушоҳада юритиш қобилиятини, иқтисодий онглилик ва иқтисодий зийракликни аниқлашга қаратилган ижтимоий-психологик сўровнома ёрдамида “сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатлари жараёнининг географик-демографик омиллар блокинни аниқлашга муваффақ бўлинди (1-расмга қаранг). Жумладан, ИПС⁵ орқали тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг ҳудуд жойлашуви, жинси, ёши, оила таркиби, ҳаётий цикл босқичи, фаолият соҳаси, маълумоти, эътиқоди, миллати, аҳолининг зичлиги ва сони, тижорий фаолият тузилмаси, иқлим, ҳудудий ривожланиш динамикаси, инфляция даражаси ва бошқа маълумотлари қўлга киритилди ҳамда диссертацион тадқиқот доирасида таҳлили амалга оширилди.



1-расм. Сотувчи ва харидорларнинг жинси бўйича тафовутланиши (фоизда).

Тадқиқотда “Сотувчи” мавқеида иштирок этган респондентларнинг 55 фоизи – эркакларни ва 45 фоизи – аёлларни ташкил қилди. “Харидор”

⁵ Изоҳ: Ижтимоий психологик сўровнома иккита қисмдан ташкил топган. Бунда (а) сотувчилар учун мўлжалланган ИПС 21 та саволдан; (б) харидорлар учун мўлжалланган ИПС 23 та саволдан иборат.

мавқеида иштирок этган синалувчиларнинг 47 фоизи – эркаклардан ва 53 фоизи – аёллардан иборат.

3-жадвал натижаларидан кўринадики, ҳар иккала тоифага мансуб синалувчилардан 119 нафар эркак ва 96 нафар аёл (жами 40,3 фоиз) “сифатни танлашда”, 146 нафар эркак ва 43 нафар аёл (жами 35,4 фоиз) “нархни сўрашда”, 174 нафар эркак ва 128 нафар аёл (жами 56,5 фоиз) “ҳақиқий ва қалбаки маҳсулотни фарқлашда”, 74 нафар эркак ва 145 нафар аёл (жами 41,0 фоиз) “мулоқот тилида”, 124 нафар эркак ва 188 нафар аёл (жами 58,4 фоиз) “тўловни амалга оширишда”, 195 нафар эркак ва 104 нафар аёл (жами 56,0 фоиз) “масофада”, 181 нафар эркак ва 164 нафар аёл (жами 64,6 фоиз) “қайтимни сўролмасликда”, 194 нафар эркак ва 96 нафар аёл (жами 54,3 фоиз) “сотувчининг муносабатида”, 154 нафар эркак ва 87 нафар аёл (жами 45,1 фоиз) “кўнгилдаги товарни тополмасликда”, 61 нафар эркак ва 60 нафар аёл (жами 22,7 фоиз) “бошқа сабабларга” кўра харидни амалга оширишда қийинчиликларга рўбарў келишар эканлар.

3-жадвал.

Респондентларнинг “Харидни амалга оширишда одатда нималарда қийналасиз?” саволига берган жавобларидаги етакчи омиллар (n=534; фоизли таҳлил)

Т/р	Харидни амалга оширишга тўсиқ бўлувчи етакчи омиллар	Сотувчилар, n=139			Харидорлар, n=395		
		эркак	Аёл	жами	эркак	аёл	жами
1.	Сифатни танлашда	8,6	10,8	19,4	27,1	20,5	47,6
2.	Нархни сўрашда	3,6	5,0	8,6	35,7	9,1	44,8
3.	Ҳақиқий ва қалбаки маҳсулотни фарқлашда	22,3	26,6	48,9	36,2	23,0	59,2
4.	Мулоқот тилида	7,9	10,1	18	15,9	33,2	49,1
5.	Тўловни амалга оширишда	36,0	46,8	82,8	18,7	31,1	49,8
6.	Масофада	34,5	43,9	78,4	37,2	10,9	48,1
7.	Қайтимни сўролмасликда	5,0	2,2	7,2	44,1	40,8	84,9
8.	Сотувчининг муносабатида	29,5	38,1	67,6	38,7	10,9	49,6
9.	Кўнгилдаги товарни тополмасликда	28,8	36,0	64,8	28,9	9,4	38,3
10.	Яна нима?	7,2	16,5	23,7	12,9	9,4	22,3

“Сотувчи”ларнинг фикрича, “тўловни амалга ошириш”, “масофа”, “сотувчининг муносабати”, “кўнгилдаги товарни тополмаслик” ва “ҳақиқий ва қалбаки маҳсулотни фарқлаш” каби харидни амалга оширишга тўсиқ бўлувчи етакчи омиллар бешлигини ташкил этар экан. Бунда ҳам эркак, ҳам аёл сотувчилар учун “сотувчи-харидор” диадасидаги муносабатларга тўсқинлик бирламчи омил – бу “тўловни амалга ошириш” (мос равишда – 36,0 ва 46,8 фоиз) саналади.

Шунингдек, шу параметр бўйича “харидор”ларнинг фикрига муурожаат қилсак, “қайтимни сўролмаслик”, “ҳақиқий ва қалбаки маҳсулотни фарқлаш”, “тўловни амалга ошириш”, “сотувчининг муносабати” ва “мулоқот тили” каби харидни амалга оширишга тўсиқ бўлувчи етакчи

омиллар бешлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бунда ҳам эркак, ҳам аёл харидорлар учун “сотувчи-харидор” диадасидаги муносабатларга тўсқинлик бирламчи омил – бу “қайтимни сўролмаслик” (мос равишда – 44,1 ва 40,8 фоиз) ҳисобланади (3-жадвалга қаранг).

Умуман олганда, ИПС орқали олинган бозор муносабатлари жараёнининг субъект (сотувчи-харидор)лари саналган респондентларга оид барча маълумотларни кейинги параграфларда тизимли таҳлилни юритиш учун, аввало, “авлодлар тоифаси” контекстидаги “сотувчи психологияси” ва “харидор психологияси”га нисбат олиб ижтимоий-психологик таҳлил қилдик. Бунда таҳлиллар ўз навбатида географик-демографик, психографик ҳамда хулқ-атвор омиллари блоки бўйича яхлитланди.

Аниқланилишича (4-жадвалга қаранг), “КБО” (катталар → болалар → ота-оналар) формуласи кўринишидаги ролли позиция эгалари саналадиган 36 нафар респондент (25,9 фоиз)да хоҳ у “сотувчи”, хоҳ у “харидор” ролида бўлсин, савдо-сотик ишларида масъулият ҳисси шаклланганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Шунингдек, бу тоифа синалувчилар ўзларининг етарли даражада импульсив, яъни теварак-атрофдаги шахсларга нисбатан панд-насихат, танбеҳ беришдан узокроқ инсон эканлиги билан алоҳида ажралиб туришади.

4-жадвал.

**Синалувчиларнинг шахслараро муносабатларда
эгаллайдиган ролли позициялари (n=139)**

Т/р	Авлодлар тоифаси	Шахслараро муносабатларнинг ролли позицияси формуласи:							
		Сотувчи (n=52)				Харидор (n=87)			
		КБО	ОБК	БОК	бошқа	КБО	ОБК	БОК	бошқа
1.	“Z авлод”					8	3	8	4
2.	“X авлод”	13	17	16	6	15	13	14	22
	Жами	13	17	16	6	23	16	22	26

Изоҳ: “КБО” (катталар → болалар → ота-оналар)
 “ОБК” (ота-оналар → болалар → катталар)
 “БОК” (болалар → ота-оналар → катталар)

“ОБК” (ота-оналар → болалар → катталар) формуласи кўринишидаги ролли позиция соҳиб(а)лари ҳисобланадиган 33 нафар респондент (23,7 фоиз)да “сотувчи” ёки “харидор” ролларидан қайси бирида бўлишидан қатъи назар, иқтисодий муносабатларга киришиш жараёнида қатъийлиги ва ўзига бўлган ишончи орқали ажралиб туришади. Мазкур формулага асосланиб, шахслараро муносабатларни ўрнатувчи диада соҳиб(а)ларида болаларча мағрурлик алоҳида хусусият саналиб, улар аксарият ҳолларда воқеъликнинг оқибатини ўйламасдан, реалликка (ҳақиқатга) тик бориш жиҳатлари билан бошқалардан тафовутланишади. Шу боис, бундай “сотувчи-харидор” диадаси субъектларини инсон-инсон муносабатлари тизимида эмас, балки инсон-техника ёхуд инсон-белгилар тизимида фаолият юритувчи касбларда муваффақиятли фаолият юритишларини алоҳида эътироф этиш зарур.

“БОК” (болалар → ота-оналар → катталар) формуласи кўринишидаги

ролли позицияда диада муносабатларини ўрнатувчи синалувчилар 38 нафар (27,3 фоиз)ни ташкил этиб, улар “сотувчи” ёхуд “харидор” ролдан бирини бажаришаётганда, яъни товар (хизмат)ларни танлашаётган вақтларида, уларнинг сифатига, ёрликдаги ишлаб чиқариш санасига, кимга/нимага мўлжалланганлиги, бир сўз билан айтганда техник асосномасига алоҳида аҳамият қаратишади. Диада муносабатлари контекстида бундай тоифа синалувчилардаги болаларча соддалик ва беғуборликнинг чегараси яққол намоён бўлади. Аниқланишича, бу тоифа респондентлар ўз “билагонлик”лари оқибатида нотўғри танловни амалга оширишиб, иқтисодий муносабатлар жараёнига халақит бериши мумкин бўлган ҳиссиётларини тўла назорат қила олишмайди.

Аниқланишича (5-жадвалга қаранг), биринчи (78–97 ёш) ва иккинчи (58–77 ёш) тоифа авлод вакиллари иқтисодий муносабатлар доирасида “харидор” сифатида шахслараро муносабатларга киришишар экан, “сотувчи” шахсига нисбатан ишончнинг юқори даражасини намоён қилишди (мос равишда – 3,98; $p \leq 0,001$). Бу ҳолат ҳар иккала тоифа авлод вакилларининг аксарияти (мос равишда – $t=2,65$; $t=3,37$)да теварак-атрофдаги инсонларга нисбатан ишонч ҳали йўқолмаганини ёки уларнинг психологиясида бозор иқтисодиётига хос силсилали ўзгаришларга бой ҳар қандай воқеликларни реал қабул қилишликка хос қараш ва қадриятларнинг устуворлигидан дарак беради.

5-жадвал.

Харидорларда теварак-атрофдаги инсонларга бўлган ишончнинг шкалалар даражаси бўйича кўрсаткичлари

Т/р	Авлодлар тоифаси	Қуйи даража ишонч	Ўрта даража ишонч	Юқори даража ишонч
1.	“Шовқинсиз авлод” (n=15)	0,74±0,40	0,72±0,38	3,98±1,41***
		t=-0,52	t=0,50	t=2,65
2.	“Бэби-Бумерлар авлоди” (n=49)	0,61±0,41	1,77±0,73	3,18±1,27***
		t=0,62	t=2,57	t=3,37
3.	“X авлод” (n=64)	1,61±0,53	3,99±1,42**	3,09±1,07
		t=1,55	t=2,66	t=1,54
4.	“Y авлод” (n=244)	3,95±1,39***	3,55±1,01*	2,52±1,02
		t=2,63	t=2,07	t=2,18*
5.	“Z авлод” (n=23)	0,70±0,33	2,67±1,07*	3,88±1,35***
		t=0,47	t=0,45	t=2,60

Изоҳ: * $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$; *** $p \leq 0,001$.

Синалувчи (харидор)ларни учинчи тоифасига (38–57 ёш) мансуб авлод вакиллари (3,99; $p \leq 0,01$)да бозор иқтисодиёти жараёнига хос диада муносабатларидаги иккинчи субъект саналмиш “сотувчи” шахсига нисбатан ишончнинг ўрта даражасини гувоҳи бўлиш мумкин. Ушбу ҳолат шу тоифа респондентларнинг иқтисодий ҳодисаларга нисбатан мушоҳадалилик ва онглилик даражасини кўрсатиб, бажараётган иқтисодий роллари орқали ижтимоий муносабатлардан қоникмаслик кўламини маълум қилади.

“Сотувчи-харидор” диадаси муносабатлари контекстида тўртинчи тоифа

(18–37 ёш) авлод вакилларининг натижаларидан қуйидагилар маълум бўлди. Мазкур тоифа синалувчиларнинг аксариятида ($3,95 \pm 1,39$; $p \leq 0,001$) иқтисодий ҳодиса (воқелик)ларга нисбатан сезгирлик борасида, яъни харидлар юзасидан қабул қилинган қарорларида кўпроқ хавсизлик эҳтиёжларининг қондирилишига эътиборни қаратишлари аниқланди. Таҳлилларни кўрсатишича, ушбу тоифа “харидор” синалувчилар бозор муносабатлари доирасида “сотувчи”га нисбатан ишончнинг қўйи ($t=2,63$) ва ўрта ($3,55 \pm 1,01$; $t=2,07$; $p \leq 0,05$) даражаларини яққол намоён қилишди. Ҳолатни эса ушбу авлод вакиллари мамлакатимиздаги бозор муносабатларига ўтиш даврида барча иқтисодий вазифаларни ўз кучлари билан удалашга ҳаракат қилишганликлари ҳамда ўз вақтида иқтисодий саводхонликка эга бўлмаганликлари сифатида баҳолаш мумкин.

